САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРРАМОВ АБДИМАЖИД МОЛИКОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ИККИ ЗАРРАЧАЛИ СИСТЕМАГА МОС БАЪЗИ МОДЕЛ ОПЕРАТОРИНИНГ СПЕКТРАЛ ХОССАЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРРАМОВ АБДИМАЖИД МОЛИКОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ИККИ ЗАРРАЧАЛИ СИСТЕМАГА МОС БАЪЗИ МОДЕЛ ОПЕРАТОРИНИНГ СПЕКТРАЛ ХОССАЛАРИ

01.01.02 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM55 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Лакаев Саидахмат Норжигитович** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Халмухамедов Алимжан Рахимович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Имомкулов Севдиёр Акрамович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.

(2018 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар панжарадаги икки заррачали системага мос модел операторларни ўрганишга келтирилади. Жумладан, тартибланган муҳитларда мураккаб турғун объектлар пайдо бўлишини тавсифлашда фойдаланиладиган Бозе-Хаббард модели, панжарадаги икки заррачали системага мос операторларни экспериментал кузатишларнинг назарий асоси ва қўллашнинг назарий базаси ҳисобланади. Шунинг учун қаттиқ жисмлар физикаси ва квант майдонлар назарияси ҳамда чизиқли чегараланган ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектрал назариясида учрайдиган панжарадаги икки заррачали системага мос модел операторларга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда панжарадаги икки заррачали системага мос модел операторлар спектри система квазиимпульси ўзгаришига нисбатан ўта сезувчан бўлганлиги учун ушбу модел операторлар спектрига оид муаммоларни ҳал этиш, яъни боғланган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатиш ва уларнинг сонини аниқлаш мухим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан: панжарада қисқа масофада таъсирлашувчи иккита ихтиёрий заррачали системага мос модел операторнинг муҳим спектри ўрнини тавсифлаш; муҳим спектрнинг чап чеккасидаги бўсағавий ҳодисаларни аниқлаш; муҳим спектрдан ташқаридаги хос қийматлар сонининг ўзгаришини қаралаётган операторлар параметрлари ва панжара ўлчамига боғлиқ равишда ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, мамлакатимиз олимлари томонидан кубик панжарадаги заррачалар системасига мос модел операторларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Панжарадаги икки заррачали системага мос модел операторлар учун муҳим спектрдан ташқарида боғланган ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг сонини аниқлашга оид сезиларли натижаларга эришилди. Математика, физика, амалий математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда чизиқли операторларнинг спектрал назариясини ва унинг назарий физика, қаттиқ жисмлар физикасига татбиқларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атом ва молекуляр ҳамда қаттиқ жисмлар физикаси, квант майдонлар назариясининг асосий масалаларининг математик модели сифатида Шредингер операторлари ўрганилади. Бу соҳада олинган натижалар тўғрисида кўплаб маълумотлар математик физиканинг «энциклопедияси» – М.Рид ва Б.Саймоннинг тўрт томли китобида келтирилган. Панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторлари ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида физик олимлар Д.С.Маттис ва А.И.Могильнерлар томонидан ўрганилиб бошланди ва унга оид тадқиқотлар жадал ривожланди. Панжарадаги икки заррачали системага мос операторларни қатъий математик тадқиқ этишда узлуксиз Шредингер операторларидаги каби муаммолар учрайди. Узлуксиз ҳолда икки заррачали системанинг тўла гамильтонианини ўрганиш массалар маркази ҳаракати энергия операторини ажратиш йўли билан ҳосил қилинган бир заррачали Шредингер операторини ўрганишга келтирилади ва боғланган ҳолат ажралган тўла импульсли энергия операторининг хос векторини ифодалайди. Панжарада система гамильтониани система тўла квазиимпульсини киритиш ёрдамида қатлам операторлари тўла квазиимпульсга боғлиқ бўлган икки заррачали операторлар оиласининг тўғри интеграли сифатида ифодаланади.

Узлуксиз ва дискрет Шредингер оператори ҳамда умумлашган Фридрихс модели учун хос қийматларнинг мавжудлиги, ўзаро таъсир доимийсининг бўсағавий қийматдаги ҳодисаларни аниқлаш масалалари М.Клауз, Б.Саймон, С.Албеверио, Р.А.Фариа да Вейга, Р.А.Минлос, С.Н.Лакаев, К.Макаров, З.Э.Мўминов, М.Э.Мўминов, Ж.И.Абдуллаев каби олимлар томонидан ўрганилган. Маълумки, икки заррачали Шредингер операторларида ўзаро таъсир доимийси ўзгариши натижасида боғланган ҳолат энергияси узлуксиз спектр чеккасига яқинлашади ва таъсир доимийсининг чекли қийматида спектр бўсағаси билан устма-уст тушади. Бу бўсаға қийматга боғланган ҳолат ёки виртуал сатҳ мос келишини аниқлаш масаласи билан Дж.Раух, Б.Саймон, М.Клауз, Д.Р.Яфаев ва С.Н.Лакаевлар шуғулланган. Жуфт-жуфти билан ўзаро контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи, иккита бозондан ташкил топган системага мос Шредингер оператори учун бўсаға эффекти дастлаб С.Н.Лакаев ишида аниқланган. С.Албеверио, С.Н.Лакаев, К.Макаров ва З.Э.Мўминовлар ҳамда С.Н.Лакаев ва Ш.Алладўстовлар ишларида бўсаға эффекти дисперсион функция ва таъсир потенциалининг кенг синфи учун исботланган. Уч заррачали системада иккита ёки учта икки заррачали қисм система виртуал сатҳга эга бўлса, у ҳолда гамильтонианнинг дискрет спектри чексиз бўлиши Д.Р. Яфаев, А.В. Соболев, Ю.Овчинников ва И.М.Сигал, Ҳ.Тамура ишларида ва бу системада бундай қисм система биттадан кўп бўлмаса, у ҳолда гамильтонианнинг дискрет спектри чекли бўлиши Д.Р. Яфаев, Г.М. Жислин, С.А. Вугальтер ишларида исботланган.

$n-$ $(n>3)$ заррачали система виртуал сатҳи мавжудлиги ҳақидаги масала Г.М. Жислин ва С.А. Вугальтернинг ишларида қаралган. Панжарадаги икки заррачали система учун заррачаларга мос дисперсион функциялар чизиқли боғлиқ бўлганда ва ноль нуқтада айнимаган минимумга эга бўлганда виртуал сатҳ мавжудлиги С.Н.Лакаев, Ш.М.Тилавова ва Ж.И.Абдуллаев ишларида ўрганилган. Лакаев С.Н. ва Бозоров И.Н. томонидан бир заррачали гамильтонианнинг узлуксиз спектри туби бир вақтда қаралаётган гамильтонианнинг виртуал сатҳи ҳамда хос қиймати бўлиши исботланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарканд давлат университетининг Ф4-ФА-Ф079 «Панжарадаги сони сақланмайдиган заррачалар системаси гамильтонианларининг спектрал таҳлили» (2012-2016) ва ОТ-Ф4-66 «Панжарадаги чекли сондаги заррачалар системаси моделлари. Энергия операторларининг муҳим ва дискрет спектрлари» (2017) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади панжарадаги махсус дисперсион (заррачанинг бир тугундан қўшни тугунга ўтишини тавсифловчи) функцияли қисқа масофаларда тортишувчи потенциал ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос баъзи модел операторларининг хос қийматлари сонини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ихтиёрий ўлчамли панжарада махсус дисперсион функцияли тортишувчи потенциал ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос баъзи модел операторлар муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматларининг мавжуд бўлишлик шартларини аниқлаш;
- қаралаётган модел операторлар муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг ўзгариши оператор параметрлари ва панжара ўлчамига боғлиқлигини ўрганиш;
- панжаранинг ўлчами $d \geq 3$ бўлганда қаралаётган операторлар муҳим спектрларининг бўсаға ҳодисаларини тадқиқ қилиш;
- қаралаётган модел операторларнинг баъзи компакт қўзғалишлардаги спектрал хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти панжарадаги махсус дисперсион функцияли тортишувчи потенциал ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос баъзи модел операторлар.

Тадқиқотнинг предмети панжарадаги махсус дисперсион функцияли қисқа масофаларда тортишувчи потенциал ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос баъзи модел операторларнинг муҳим спектри структураси ва ўрни, оддий ёки каррали хос қиймат ва виртуал сатҳининг мавжудлик ёки мавжуд эмаслик масаласи, компакт қўзғалиш натижасида инвариант қисм фазоларда модел оператор дискрет спектрининг сақланишини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида чизиқли алгебра ва сонлар назарияси, математик анализ, ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси ҳамда Бирман-Швингер принципи усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ихтиёрий ўлчамли панжарада махсус дисперсион функцияли тортишувчи потенциаллар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел операторлар параметрлари (заррачаларнинг ўзаро таъсир энергияси, система тўла квазиимпульси) ва панжаранинг ўлчамига боғлиқ ҳолда қаралаётган операторларнинг муҳим спектридан чапда ётувчи хос қийматлари сони (мавжудлиги ва мавжуд бўлмаслиги шартлари) топилган;
- панжара ўлчами $d = 3{,}4$ бўлганда квазиимпульснинг ноль қийматида қаралаётган операторлар муҳим спектрларининг чап чеккаси (қуйи бўсағаси)да виртуал сатҳ (каррали виртуал сатҳ) ёки оддий хос қиймат (каррали хос қиймат)га эга бўладиган ўзаро таъсир энергияларининг қийматлари топилган;
- ўлчам $d \geq 5$ бўлганда муҳим спектрнинг чап чеккаси (қуйи бўсағаси) қаралаётган операторнинг (каррали) хос қиймати бўлиши ёки бўлмаслиги кўрсатилган;
- қаралаётган модел операторларнинг баъзи компакт қўзғалишлардаги спектрал хоссалари ўрганилган, бунда қаралаётган модел операторларнинг дискрет спектрини сақловчи инвариант қисм фазо қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари заррачалар боғланган ҳолатларининг аналитиклиги ҳақидаги хулосалардан қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичини аниқлаш ҳамда сонли ҳисоблашларда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чизиқли алгебра ва сонлар назарияси, математик анализ, ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси, квант механикаси, қаттиқ жисмлар физикаси ва квант майдонлар назарияси, хусусан, панжарадаги икки заррачали системага мос гамильтонианларнинг боғланган ҳолатлари сонини топиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қаттиқ жисмлар физикасида мураккаб объектлар ҳосил бўлишини кўрсатувчи экспериментал тадқиқотларни назарий ва қатъий математик асослашга ҳамда янги экспериментлар ўтказишга асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панжарадаги икки заррачали системага мос баъзи модел операторларнинг спектрал хоссаларига оид олинган натижалар асосида:

панжарадаги ихтиёрий икки заррачали системага мос модел оператор хос қийматларининг мавжудлиги (карралилиги) етакчи хорижий (Theor. Math. Phys. 2014, Vol. 180 No 3, pp.1040–1050, Theor. Math. Phys. 2015, Vol. 182 No 3, pp. 381–396, Russian Math. (Iz. VUZ) 2015, Vol. 59 No 6, pp. 18–22, J.Nanosyst.-Phys. Chem. Math. 2016, Vol. 7 No 5, pp. 880–887) журналларида иккита (учта) ихтиёрий заррачали системага мос модел операторларнинг спектрини аниқлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ўрганилаётган операторлар хос қийматларининг сони ва жойлашув ўрнини топиш имконини берган;

панжарадаги ихтиёрий иккита квант заррачали системага мос операторнинг компакт қўзғалишлардаги хос қийматлари сонини аниқлашда қурилган инвариант қисм фазо QJ130000.2726.01K82 рақамли хорижий грантда уч заррачали Шредингер оператори учун инвариант қисм фазо қуришда қўлланилган (Малайзия технология университетининг 2018 йил 26 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши уч заррачали Шредингер оператори муҳим спектридан ташқарисидаги хос қийматларининг чеклилигини исботлаш имконини берган.

панжарадаги иккита ихтиёрий заррачали системага мос модел оператор хос қийматининг узлуксизлик хоссаси QJ130000.2726.01K82 рақамли хорижий грантда панжарадаги уч заррачали Шредингер оператори муҳим спектрини аниқлашда қўлланилган (Малайзия технология университетининг 2018 йил 26 февралдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган оператор параметрларига боғлиқ ҳолда уч заррачали Шредингер оператори муҳим спектрининг жойлашиш ўрнини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети бўйича маълумотлар берилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бошланғич маълумотлар ва панжарадаги икки заррачали системага мос модел операторлар»** деб номланувчи биринчи бобида диссертациянинг асосий натижаларини баён қилиш учун зарур бўлган асосий тушунча ва тасдиқлар, жумладан чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясининг муҳим теоремалари баён қилинган ҳамда панжарадаги иккита ихтиёрий заррачали системага мос баъзи модел операторларнинг координата ва импульс тасвирлари келтирилган.

Диссертациянинг **«Уч ўлчамли панжарадаги икки заррачали системага мос баъзи модел операторларнинг спектрал хоссалари»** деб номланувчи иккинчи бобида уч ўлчамли панжарадаги махсус дисперсион функцияли қисқа масофаларда тортишувчи потенциал ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел операторнинг муҳим спектридан чапда ётувчи хос қийматлари сони ва муҳим спектр чап четкаси (қуйи бўсағаси) виртуал сатҳ (каррали виртуал сатҳ) ёки оддий хос қиймат (каррали хос қиймат) бўлиши заррачалар квазиимпульси ва ўзаро таъсир энергияларига боғлиқлиги кўрсатилади ҳамда қаралаётган модел операторнинг баъзи компакт қўзғалишлардаги спектрал хоссалари ўрганилади, бунда қаралаётган модел операторнинг дискрет спектрини сақловчи инвариант қисм фазо қурилади.

$\mathbb{T}^3 = (-\pi, \pi]^3$ уч ўлчамли тор, $L_2(\mathbb{T}^3)$ орқали $\mathbb{T}^3$ да аниқланган ва квадрати билан интегралланувчи функциялар Гильберт фазосини белгилаймиз.

Уч ўлчамли панжарадаги махсус дисперсион (заррачанинг бир тугундан қўшни тугунга ўтишини тавсифловчи) функцияли қисқа масофаларда тортишувчи потенциал ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел оператор чегараланган ўз- ўзига қўшма оператор сифатида $L_2(\mathbb{T}^3)$ фазода қуйидаги формула билан аниқланади:

$$h(k) = h_0(k) - \mathbf{v}, \qquad k = (k_1, k_2, k_3) \in \mathbb{T}^3, \tag{1}$$

бунда $h_0(k)-$ ушбу

$$\mathcal{E}_k(p)=\frac{1}{m_1}\varepsilon(p)+\frac{1}{m_2}\varepsilon(p-k),\quad \varepsilon(p)=\sum_{i=1}^{3}(1-\cos 2p_i),$$

функцияга кўпайтириш оператори ва $\mathbf{v}$ эса $v(p)=\sum_{\alpha=1}^{3}\mu_\alpha\cos p_\alpha$ ядроли интеграл оператор.

Таъкидлаш жоизки, муҳим спектр турғунлиги ҳақидаги Вейл теоремасига асосан $h(k)$ операторнинг муҳим спектри $\mathbf{v}$ компакт қўзғалиш натижасида ўзгармайди ва $h_0(k)$ қўзғалмас оператор спектри билан устма-уст тушади; Бунда $\sigma_{ess}(h(k))$ $\mathcal{E}_k(\cdot)$ функциянинг қийматлари тўплами билан устма-уст тушади

$$\sigma_{ess}(h(k))=\sigma(h_0(k))=[m(k),M(k)],\quad m(k)=\min_{p\in\mathbb{T}^3}\mathcal{E}_k(p),\quad M(k)=\max_{p\in\mathbb{T}^3}\mathcal{E}_k(p).$$

1-фараз. *$m=m_1=m_2$ ва $k\in\Pi$ бўлсин, бунда*

$$\Pi=\{k=(k_1,k_2,k_3)\in\mathbb{T}^3: k_\alpha=\pm\frac{\pi}{2}\quad \textit{камида бирор}\ \alpha\in\{1,2,3\}\ \textit{учун}\}.$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$\mu_i^{\pm}(k)=\frac{c_i(k;m(k))+s_i(k;m(k))\pm\sqrt{(c_i(k;m(k))-s_i(k;m(k)))^2+4\xi_i^2(k;m(k))}}{2[c_i(k;m(k))s_i(k;m(k))-\xi_i^2(k;m(k))]},$$

бунда

$$c_i(k;z)=\int_{\mathbb{T}^3}\frac{cos^2 s_i ds}{\mathcal{E}_k(s)-z},\ s_i(k;z)=\int_{\mathbb{T}^3}\frac{sin^2 s_i ds}{\mathcal{E}_k(s)-z},\ \xi_i(k;z)=\int_{\mathbb{T}^3}\frac{sins_i coss_i ds}{\mathcal{E}_k(s)-z},\ z\leqslant m(k).$$

1-фаразда киритилган Π тўпламни шундай учта Π_j, $j=1,2,3$ қисм тўпламларга ажратамизки, бунда Π_j тўпламда $k\in\Pi$ элемент координаталарининг j таси $\pm\pi/2$ қиймат қабул қилади.

$$\mu_i^{(1)}(k)=(m\pi\int_{\mathbb{T}^2}\frac{sin^2 s_i ds_\alpha ds_\beta}{\sum\limits_{l\in\{\alpha,\beta\}}(|\cos k_l|-\cos k_l\cos 2s_l)})^{-1},\ k\in\Pi_1,\ i=\alpha,\beta$$

бўлсин, бунда k_α ва k_β, $\alpha<\beta$ орқали $k\in\Pi_1$, элементнинг $\pm\pi/2$ га тенг бўлмаган координаталари белгиланган, худди шундай

$$\mu_i^{(2)}(k)=\left(2m\pi^2\int_T\frac{sin^2 sds}{|\cos k_i|-\cos k_i\cos 2s}\right)^{-1},\quad k\in\Pi_2,$$

бу ерда эса k_i- орқали $k\in\Pi_2$ элементнинг $\pm\pi/2$ дан фарқли координатаси белгиланган. Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$L_{i0}^{(j)}=[0,\mu_i^{(j)}(k)],\quad L_{i1}^{(j)}=(\mu_i^{(j)}(k),\infty),\ i=\alpha,\beta,\quad j=1,2.$$

1-теорема. *1-фараз бажарилсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли.*

1. *$k\in\Pi_1$ ва $(\mu_\alpha,\mu_\beta)\in L_{\alpha r}^{(1)}\times L_{\beta t}^{(1)}$ бўлсин, бунда $\alpha,\beta(\alpha<\beta)-$ $k\in\Pi_1$ элементнинг $\pm\pi/2$ дан фарқли k_α,k_β координаталарининг индекслари ва $r,t=0,1$. У ҳолда $h(k)$ оператор муҳим спектридан чапда ётувчи карралилиги билан ҳисоблаганда $4+r+t$ та хос қийматга эга бўлади.*

2. *$k\in\Pi_2$ ва $\mu_\alpha\in L_{\alpha i}^{(2)}$ бўлсин, бунда $\alpha-$ $k\in\Pi_2$ элементнинг $\pm\pi/2$ дан фарқли k_α координатасининг индекси ва $i=0,1.$ У ҳолда $h(k)$ оператор муҳим спектридан чапда ётувчи карралилиги билан ҳисоблаганда $5+i$ та хос қийматга эга бўлади.*

3. *Агар $k\in\Pi_3$ бўлса, у ҳолда ҳар бир $\mu=(\mu_1,\mu_2,\mu_3)\in R_+^3,$ $R_+=(0,\infty)$ учун $h(k)$ оператор муҳим спектридан чапда ётувчи олтита (3 та 2 каррали) хос қийматга эга бўлади.*

1-эслатма. *Таъкидлаб ўтамизки, 1-теоремада $k\in\Pi_1$ ҳолда ҳар бир $\mu=(\mu_1,\mu_2,\mu_3)\in R_+^3$ ва бирор $r,t\in\{0,1\}$ лар учун $(\mu_\alpha,\mu_\beta)\in L_{\alpha r}^{(1)}\times L_{\beta t}^{(1)}$ ҳамда $k\in\Pi_2$ ҳолда ҳар бир $\mu\in R_+^3$ ва бирор $i\in\{0,1\}$ лар учун $\mu_\alpha\in L_{\alpha i}^{(2)}$ ўринли бўлади.*

M_{i0},M_{i1},M_{i2}, $i=1,2,3$ орқали ўзаро кесишмайдиган ушбу $M_{i0}=[0,\mu_i^-(k)],$ $M_{i1}=(\mu_i^-(k),\mu_i^+(k)],$ $M_{i2}=(\mu_i^+(k),\infty)$ тўпламларни белгилаймиз.

2-теорема. *1-фараз бажарилмасин ва $\mu\in M_{1\alpha}\times M_{2\beta}\times M_{3\gamma},$ $\alpha,\beta,\gamma\in\{0,1,2\}$ бўлсин. У ҳолда ҳар бир $k\in\mathbb{T}^3$ учун $h(k)$ оператор муҳим спектридан чапда ётувчи карралилиги билан ҳисоблаганда $\alpha+\beta+\gamma$ та хос қийматга эга бўлади.*

$C(\mathbb{T}^3)$ орқали $\mathbb{T}^3$ даги узлуксиз (даврий) функцияларнинг Банах фазоси ва $G(k;z)$ орқали $G(k,z;p,q)=\dfrac{v(p-q)}{\mathcal{E}_k(q)-z}$ ядроли интеграл операторни ҳамда $G=G(\mathbf{0};0)$ орқали эса ядроси

$$G(p,q)=v(p-q)(\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(q))^{-1},\quad p,q\in\mathbb{T}^3$$

кўринишда аниқланган лимитик интеграл операторни белгилаймиз.

1-таъриф. *Агар 1 сони G операторнинг хос қиймати ва унга мос ψ хос функция қуйидаги*

$$\frac{\psi(p)}{\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(p)}\in L_1(\mathbb{T}^3)\setminus L_2(\mathbb{T}^3)$$

шартни қаноатлантирса, у ҳолда $h(\mathbf{0})$ оператор нолда (муҳим спектрнинг чап четида) виртуал сатҳга эга бўлади деб атаймиз. G операторнинг чизиқли боғланмаган ψ хос векторлари максимал сонини $h(\mathbf{0})$ оператор виртуал сатҳининг карралилиги деб атаймиз.

$\mu^0=[c_i(\mathbf{0};0)]^{-1}, i=1,2,3$ ва $R_{\mathbf{0}}=[0;\mu^0)$, $R_1=\{\mu^0\}$ бўлсин.

3-теорема. *$\mu\in R_\alpha\times R_\beta\times R_\gamma,\alpha,\beta,\gamma\in\{0,1\}$ бўлсин. У ҳолда $h(\mathbf{0})$ оператор нолда $\alpha+\beta+\gamma$ каррали виртуал сатҳга эга бўлади.*

2-эслатма. *3-теореманинг шартларидан $\alpha+\beta+\gamma=0$ ҳолда $h(\mathbf{0})$ оператор $z=0$ да виртуал сатҳга эга эмас деб ҳисобланади. Агар $\alpha+\beta+\gamma=i,$ $i=1,2,3,$ яъни $\mu_i=\mu^0,$ $i\in\{\alpha,\beta,\gamma\}$ бўлса, у ҳолда $h(\mathbf{0})$ оператор $z=0$ да i каррали виртуал сатҳга эга бўлади. Бу ҳолда 1 сони G операторнинг i каррали хос қиймати, унга мос хос функциялари эса*

$\varphi_i(p) = cosp_i, \quad i = 1,2,3$ *кўринишга эга бўлади.*

$\mathbf{v}_1 -$ $L_2(\mathbb{T}^3)$ Гильберт фазосида ядроси

$$v_1(p) = \sum_{n=0}^{\infty} a_n \sum_{\alpha=1}^{3} cos\, 2np_\alpha$$

кўринишда аниқланган интеграл оператор, бунда $\sum_{n=0}^{\infty} |a_n| < \infty$ бўлсин.

Энди (1) формула билан аниқланган $h(k),\ k \in \mathbb{T}^3$ операторнинг баъзи компакт қўзғалишлардаги, яъни $h(k) - \mathbf{v}_1$ операторнинг спектрал хоссаларини келтирамиз.

4-теорема. *Қуйидаги муносабат ўринли*

$$\sigma_{disc}(h(k)) \subset \sigma_{disc}(h(k) - \mathbf{v}_1),$$

бу ерда $\sigma_{disc}(h(k)) -$ $h(k)$ *операторнинг дискрет спектри. Бундан ташқари, агар* $h(\mathbf{0})$ *оператор* $z = 0$ *да (*i *каррали) виртуал сатҳга эга бўлса, у ҳолда* $h(\mathbf{0}) - \mathbf{v}_1$ *оператор* $z = 0$ *да (камида* i *каррали) виртуал сатҳга эга бўлади.*

3-эслатма. *4-теорема тасдиғидан келиб чиқадики,* $h(k)$ *операторнинг хос қийматлари мавжудлик шарти,* $h(k) - \mathbf{v}_1$ *операторнинг ҳам хос қийматларининг мавжудлик шартидан иборат бўлади ва* $z = 0$ *да* $h(\mathbf{0}) - \mathbf{v}_1$ *оператор виртуал сатҳининг карралилиги* $h(\mathbf{0})$ *оператор виртуал сатҳининг карралилигидан кичик бўлмайди.*

Диссертациянинг **«Панжарадаги икки заррачали системага мос баъзи модел операторларнинг спектрал хоссалари»** деб номланувчи учинчи бобида $d \geqslant 1$ ўлчамли панжарадаги махсус дисперсион функцияли танланган тортишувчи потенциаллар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел операторнинг муҳим спектридан чапда ётувчи хос қийматлари сони ва муҳим спектр чап чеккаси (қуйи бўсағаси) виртуал сатҳ (каррали виртуал сатҳ) ёки оддий хос қиймат (каррали хос қиймат) бўлиши заррачалар квазиимпульси, ўзаро таъсир энергиялари ва панжара ўлчамига боғлиқлиги кўрсатилади ҳамда $d = 3$ бўлганда қаралаётган модел операторнинг баъзи компакт қўзғалишлардаги спектрал хоссалари ўрганилади, бунда қаралаётган модел операторнинг дискрет спектрини сақловчи инвариант қисм фазо қурилади.

$d \geqslant 1$ ўлчамли панжарадаги махсус дисперсион функцияли ва тортишувчи потенциаллар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел оператор чегараланган ўз-ўзига қўшма оператор сифатида $L_2(\mathbb{T}^d)$ фазода қуйидаги формула билан аниқланади

$$h(k) = h_0(k) - \mathbf{v},$$

бу ерда $h_0(k) -$ қуйидаги функцияга кўпайтириш оператори

$$\mathcal{E}_k(p) = \frac{1}{m_1}\varepsilon(p) + \frac{1}{m_2}\varepsilon(p-k), \quad \varepsilon(p) = \sum_{i=1}^{d}(1 - \cos 2np_i)$$

ва $\mathbf{v} -$ интеграл оператор бўлиб, ядроси қуйидаги кўринишга эга

$$v_0(p) = \sum_{l=0}^{N}\sum_{i=1}^{d} \mu_{li} \cos lp_i .$$

Қайд этиш жоизки, муҳим спектр турғунлиги ҳақидаги Вейл тоеремасига асосан $h(k)$ операторнинг муҳим спектри v компакт қўзғалиш натижасида ўзгармайди ва $h_0(k)$ қўзғалувчи оператор спектри билан устма-уст тушади. Шунинг учун $\sigma_{ess}(h(k))$ муҳим спектр $\mathcal{E}_k(\cdot)$ функциянинг қийматлар соҳаси билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}(h(k)) = \sigma(h_0(k)) = [m(k), M(k)], \quad m(k) = \min_{p\in\mathbb{T}^d} \mathcal{E}_k(p), \quad M(k) = \max_{p\in\mathbb{T}^d} \mathcal{E}_k(p).$$

Бундан буён биз

$$n = \begin{cases} 2\ \text{ЭКУК}\{1,2,...,N-1\} & \text{агар} \quad N > 1, \\ 1, & \text{агар} \quad N = 1 \end{cases}$$

деб ҳисоблаймиз, бунда ЭКУК – энг кичик умумий каррали. Қайд этиш керакки, агарда N сони бирор туб соннинг даражаси кўринишида тасвирланса, у ҳолда $\frac{n}{2N}$ каср сон бўлади. Акс ҳолда $\frac{n}{2N}$ сони натурал сон бўлади.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$d(k;z) = \int_{\mathbb{T}} \frac{ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z}, \quad c_N(k;z) = \int_{\mathbb{T}} \frac{cos^2 Nsds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z}, \quad s_N(k;z) = \int_{\mathbb{T}} \frac{\sin^2 Nsds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},$$

$$\tilde{\mathcal{E}}_k(p) = \left(\frac{1}{m_1} + \frac{1}{m_2} - \sqrt{\frac{1}{m_1^2} + \frac{2}{m_1 m_2}\cos 2nk + \frac{1}{m_2^2}\cos 2np} \right),$$

$$\mu_N{}^0(k) = \begin{cases} \dfrac{1}{s_N(k;m(k))}, & \text{агар} \quad N = 1,2, \\ 0, & \text{агар} \quad N \neq 1,2 \end{cases}.$$

2-фараз. $m = m_1 = m_2$ *ва* $k \in \Pi$ *бўлсин, бунда* $\Pi = \{k = (k_1, k_2, \ldots, k_d) \in \mathbb{T}^d :$ *камида* $d-2$ *та* $(d \geq 3)$ *координатаси* $k_\alpha = \pm\frac{\pi}{2n}, \alpha \in \{1,2,\ldots,d\}$ *бўлсин*$\}$.

Изоҳ. $d=1$ *ҳолда* Π *тўплам элементлари* $k = \pm\frac{\pi}{2n}$ *дан иборат деб тушунилади.*

5-теорема. *2-фараз бажарилсин. У ҳолда* $\tilde{\mathcal{E}}_k(p) \equiv \frac{2}{m}$ *ва ихтиёрий* $\mu = (\mu_0, ..., \mu_N) \in \mathbb{R}_+^{N+1}$ *учун* $h(k)$ *операторнинг муҳим спектрдан чапда карралилиги билан қўшиб ҳисоблаганда* $2N+1$ *та хос қиймати бўлади, улар қуйидагича:* $z_0 = \frac{2}{m} - 2\mu_0\pi,$ $z_l = \frac{2}{m} - \mu_l\pi,$ $l = \overline{1,N}.$ *Шунга кўра* z_0 *– оддий,* z_l, $l \geqslant 1$*-лар эса икки каррали хос қийматлардир.*

4-эслатма. *Айтиб ўтиш керакки, агарда* $1 - \frac{\mu^*}{2} d(k, z^*) = 0,$ $z^* < m(k),$ $\mu^* > 0$ *тенглик ўринли бўлиб ва* $\mu_l = \mu^*$ *тенглик ихтиёрий* $l \in \{1,2,3,...,N-1\}$ *да бажарилса, у ҳолда* $z = z^*$ *сони* $h(k)$ *операторнинг камида* $2N-2$ *каррали хос қиймати бўлади.*

6-теорема. *2-фараз бажарилмасин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли бўлади:*

1. Агар $N=1$, 2 *бўлса, у ҳолда исталган* $\mu=(\mu_0,\dots,\mu_{N-1})\in\mathbb{R}_+^N$ *ва* $\mu_N\in M_\alpha$ *учун* $h(k)$ *операторнинг муҳим спектрдан чапда карралилиги билан қўшиб ҳисоблаганда,* $2N+\alpha$ *та хос қиймати бўлади, бу ерда* $M_0=(0;\mu_N{}^0(k)]$, $M_1=(\mu^0{}_N(k);\infty)$, $\alpha\in\{0,1\}$.

2. $N\neq 1$ *,2 бўлса, у ҳолда исталган* $\mu=(\mu_0,\dots,\mu_N)\in\mathbb{R}_+^{N+1}$ *учун* $h(k)$ *операторнинг муҳим спектрдан чапда карралилиги билан қўшиб ҳисоблаганда,* $2N+1$ *та хос қиймати бўлади.*

$d=3$ бўлсин. $\mathcal{V}$ орқали $\mathbb{T}^3$ аниқланган узлуксиз, квадрати билан интегралланувчи ва ҳар бир аргументи бўйича $\dfrac{\pi}{n}$ даврли функциялар тўпламини белгилаймиз. Равшанки, $\mathcal{V}-$ $L_2(\mathbb{T}^3)$ фазонинг қисм фазоси бўлади.

$v_1\in\mathcal{V}-$ узлуксиз функция, $\mathbf{v}_1-$ $L_2(\mathbb{T}^3)$ фазода $v_1(p)$ ядроли интеграл оператор ва $G(k;z)$, $G_\alpha(k;z),\alpha=0,1-$ мос ҳолда ядроси

$$G(k,z;p,q)=\frac{v_0(p-q)+v_1(p-q)}{\widetilde{\mathcal{E}}_k(q)-z},\quad G_\alpha(k,z;p,q)=\frac{v_\alpha(p-q)}{\widetilde{\mathcal{E}}_k(q)-z},\quad p,q\in\mathbb{T}^3,\ z\leq m(k)$$

кўринишда бўлган интеграл оператор (Бирман-Швингер оператори) бўлсин.

Таъкидлаш жоизки, ихтиёрий $f\in\mathcal{V}$ учун $G(k;z)f=G_1(k;z)f$ тенглик ўринли.

2-таъриф. *Агар 1 сони* $G_0(\mathbf{0};0)$ $(G_1(\mathbf{0};0))$ *операторнинг хос қиймати ва унга мос* ψ *хос функция*

$$\frac{\psi(p)}{\mathcal{E}_{\mathbf{0}}(p)}\in L_1(\mathbb{T}^3)\setminus L_2(\mathbb{T}^3)$$

шартни қаноатлантирса, у ҳолда $h(\mathbf{0})$ $(h(\mathbf{0})-\mathbf{v}_1)$ *оператор нолда (муҳим спектрнинг чап четида) виртуал сатҳга эга бўлади деб атаймиз.* $G_0(\mathbf{0};0)$ $(G_1(\mathbf{0};0))$ *операторнинг чизиқли боғланмаган* ψ *хос векторларнинг максимал сонини* $h(\mathbf{0})$ $(h(\mathbf{0})-\mathbf{v}_1)$ *оператор виртуал сатҳининг карралилиги деб атаймиз.*

7-теорема. *Ҳар бир* $v_1\in\mathcal{V}$ *учун ушбу*

$$\sigma_{disc}(h(k))\subset\sigma_{disc}(h(k)-\mathbf{v}_1)$$

муносабат ўринли, бунда $\sigma_{disc}(h(k))-$ $h(k)$ *операторнинг дискрет спектри. Бундан ташқари, агар* $h(\mathbf{0})$ *оператор* $z=0$ *да (*r *каррали) виртуал сатҳга эга бўлса, у ҳолда* $h(\mathbf{0})-\mathbf{v}_1$ *оператор* $z=0$ *да (камида* r *каррали) виртуал сатҳга эга бўлади.*

5-эслатма. *7-теорема тасдиғидан келиб чиқадики,* $h(k)$ *операторнинг хос қийматлари мавжудлик шарти,* $h(k)-\mathbf{v}_1$ *операторнинг ҳам хос қийматларининг мавжудлик шартидан иборат бўлади.*

Қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$\mu^0(k)=\frac{1}{d(k;m(k))},\quad \mu^c_{Ni}(k)=\frac{1}{c_{Ni}(k;m(k))},\quad \mu^s_{Ni}(k)=\frac{1}{s_{Ni}(k;m(k))},$$

бунда

$$d(k;z)=\frac{1}{2}\int\limits_{\mathbb{T}^3}\frac{ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},\quad c_{Ni}(k;z)=\int\limits_{\mathbb{T}^3}\frac{cos^2 Ns_i ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},\quad s_{Ni}(k;z)=\int\limits_{\mathbb{T}^3}\frac{sin^2 Ns_i ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},$$

$$\tilde{\mathcal{E}}_k(p)=\sum_{i=1}^{3}\left(\frac{1}{m_1}+\frac{1}{m_2}-\sqrt{\frac{1}{m_1^2}+\frac{2}{m_1m_2}\cos 2nk_i+\frac{1}{m_2^2}}\cos 2np_i\right).$$

1-натижа. $\frac{n}{2N}-$ *натурал (каср) сон бўлсин. У ҳолда ихтиёрий* $\mu=(\mu^{(1)},...,\mu^{(N)})\in R_+^{3N}$, $\mu^{(l)}=(\mu_{l1},\mu_{l2},\mu_{l3})$ *учун* $h(\mathbf{0})-\mathbf{v}_1$ *оператор* $z=0$ *да карралилиги билан камида*

$$\sum_{l=1}^{N}\sum_{i=1}^{3}\alpha(li)\quad (\sum_{l=1}^{N-1}\sum_{i=1}^{3}\alpha(li)+\sum_{i=1}^{3}\beta(Ni),)$$

виртуал сатҳга эга бўлади, бунда

$$\alpha(li)=\begin{cases}0 & агар \quad \mu_{li}\in[0;\mu^0(\mathbf{0})),\\ 1 & агар \quad \mu_{li}\in\{\mu^0(\mathbf{0})\},\end{cases}\qquad \beta(Ni)=\begin{cases}0 & агар \quad \mu_{Ni}\in[0;\mu^c_{N1}(\mathbf{0})),\\ 1 & агар \quad \mu_{Ni}\in\{\mu^c_{N1}(\mathbf{0})\ \}.\end{cases}$$

$d\geqslant 4$ бўлсин. Қуйидаги белгилашларни киритамиз.

$$b(k;z)=\int\limits_{\mathbb{T}^d}\frac{ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},c_i(k;z)=\int\limits_{\mathbb{T}^d}\frac{cos^2 s_i ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},s_i(k;z)=\int\limits_{\mathbb{T}^d}\frac{sin^2 s_i ds}{\tilde{\mathcal{E}}_k(s)-z},$$

бунда

$$\tilde{\mathcal{E}}_k(p)=\sum_{i=1}^{d}\left(\frac{1}{m_1}+\frac{1}{m_2}-\sqrt{\frac{1}{m_1^2}+\frac{2}{m_1m_2}\cos 2k_i+\frac{1}{m_2^2}}\cos 2p_i\right),$$

$$\mu^0(k)=\frac{1}{b(k;m(k))},\quad \mu^c_i(k)=\frac{1}{c_i(k;m(k))},\quad \mu^s_i(k)=\frac{1}{s_i(k;m(k))}.$$

Π тўпламни учта $\Pi_\alpha,\ \alpha=0,1,2$ тўпламларга қуйидагича ажратамиз: Π_α тўпламга айнан $d-\alpha$ та координаталари $\pm\frac{\pi}{2}$ қийматни қабул қилувчи $k\in\Pi$ элементларни киритамиз.

8-теорема. *2-фараз бажарилсин. У ҳолда қуйидаги тасдиқлар ўринли:*

1. Агар $k\in\Pi_0$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $\mu_i>0,\ i\in\{0,1,2,..,d\}$ *учун* $h(k)$ *оператор карралилиги билан ҳисоблаганда муҳим спектрдан чапда ётувчи айнан* $2d+1$ *та хос қийматга эга.*

2. Агар $k\in\Pi_1(k\in\Pi_2)$ *ва* $k_l\neq\frac{\pi}{2}$ $\left(k_l\neq\frac{\pi}{2},k_r\neq\frac{\pi}{2}\right)$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $\mu_i>0,\ \ i\in\{0,1,2,..,d\}$ *учун* $h(k)$ *оператор карралилиги билан ҳисоблаганда муҳим спектрдан чапда ётувчи айнан* $2d+\gamma(l)$ $(2d-1+\gamma(l)+\gamma(r))$ *та хос қийматга эга. Бунда*

$$\gamma(i)=\begin{cases}0, & агар \quad \mu_i\in(0;\mu_i^s(k)],\\ 1 & агар \quad \mu_i\in(\mu_i^s(k);\infty).\end{cases}$$

9-теорема. *2-фараз бажарилмасин. У ҳолда ихтиёрий* $k\in\mathbb{T}^d$ *учун* $h(k)$

оператор карралилиги билан ҳисоблаганда муҳим спектрдан чапда ётувчи айнан $\beta+\sum_{i=0}^{d}\alpha(i)$ *та сондаги хос қийматларга эга, бунда*

$$\beta=\begin{cases}0 \quad агар \quad \mu_0\in(0;\mu^0(k)],\\ 1 \quad агар \quad \mu_0\in(\mu^0(k);\infty),\end{cases} \qquad \alpha(i)=\begin{cases}0 \quad агар \quad \mu_i\in(0;\mu_i^c(k)],\\ 1 \quad агар \quad \mu_i\in(\mu_i^c(k);\mu_i^s(k)],\\ 2 \quad агар \quad \mu_i\in(\mu_i^s(k);\infty).\end{cases}$$

10-теорема. *Фараз қилайлик,* $\mu_0\in(0;\mu^0(\mathbf{0})]$, $\mu_i\in(0;\mu_i^c(\mathbf{0})]$ *ва*

$$\beta=\begin{cases}0 \ агар \ \mu_0\in(0;\mu^0(\mathbf{0})],\\ 1 \ агар \ \mu_0=\mu^0(\mathbf{0}),\end{cases} \qquad \alpha(i)=\begin{cases}0 \ агар \ \mu_i\in(0;\mu_i^c(\mathbf{0})),\\ 1 \ агар \ \mu_i=\mu_i^c(\mathbf{0}),\ i=1,...,d\end{cases}$$

бўлсин. Қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1) *агар* $d=4$ *бўлса, у ҳолда* $h(\mathbf{0})$ *оператор* $z=0$ *нуқтада* $\beta+\sum_{i=0}^{4}\alpha(i)$ *каррали виртуал сатҳга эга бўлади;*

2) *агар* $d\geq 5$ *бўлса, у ҳолда* $z=0$ *нуқта* $h(\mathbf{0})$ *оператор учун* $\beta+\sum_{i=0}^{d}\alpha(i)$ *каррали хос қиймат бўлади.*

ХУЛОСА

Диссертация иши панжарадаги махсус дисперсион функцияли ва тортишувчи потенциаллар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел операторларнинг спектрал хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Панжарадаги махсус дисперсион функцияли тортишувчи потенциаллар ёрдамида ўзаро таъсирлашувчи ихтиёрий икки квант заррачали системага мос модел операторларнинг муҳим спектрлари ўрни топилган.

2. Бу модел операторлар муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари сонининг ўзгариши (мавжудлиги ва мавжуд бўлмаслиги) қаралаётган операторлар параметрлари (заррачаларнинг ўзаро таъсир энергияси ва система тўла квазиимпульси) ҳамда панжаранинг ўлчамига боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

3. Панжара ўлчами $d = 3,4$ бўлганда квазиимпульснинг ноль қийматида қаралаётган оператор муҳим спектрининг чап четкаси (қуйи бўсағаси)да виртуал сатҳ (каррали виртуал сатҳ) ёки оддий хос қиймат (каррали хос қиймат)га эга бўладиган заррачалар системаси ўзаро таъсир энергияларининг қийматлари топилган.

4. Ўлчам $d \geq 5$ бўлганда муҳим спектрнинг чап четкаси (қуйи бўсағаси) қаралаётган операторнинг (каррали) хос қиймати бўлиши ёки бўлмаслиги кўрсатилган.

5. Тадқиқ этилаётган модел операторларнинг баъзи компакт қўзғалишлардаги спектрал хоссалари ўрганилган, бунда шундай инвариант қисм фазолар қурилганки, компакт қўзғалишли операторларнинг дискрет спектри қаралаётган модел операторларнинг дискрет спектрини сақлайди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.FM.02.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТЕ

ХУРРАМОВ АБДИМАЖИД МОЛИКОВИЧ

СПЕКТРАЛЬНЫЕ СВОЙСТВА НЕКОТОРЫХ МОДЕЛЬНЫХ ОПЕРАТОРОВ, АССОЦИРОВАННЫХ СИСТЕМОЙ ДВУХ ЧАСТИЦ НА РЕШЕТКЕ

01.01.01 – математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

город Самарканд – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.PhD/FM55

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Лакаев Саидахмат Норжигитович** доктор физико-математических наук, академик
Официальные оппоненты:	**Халмухамедов Алимджан Рахимович** доктор физико-математических наук, профессор
	Имомкулов Севдиёр Акрамович доктор физико-математических наук, профессор
Ведущая организация:	**Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» _____________2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственном университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2018 года.

(протокол рассылки №________ от «____» _______________2018 года).

А.С.Солеев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

А.М.Халхужаев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

И.А.Икромов
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Многочисленные научно-прикладные исследования, проводимые на мировом уровне, приводятся к изучению спектральных свойств модельных операторов, ассоцированных с системой двух квантовых частиц на решетке. Например, модель Бозе-Хаббарда, используемый для описания появления устойчивых квантовых объектов, является теоретическим обоснованием экспериментальь- ного наблюдения и теоретической базой для применения модельных операторов, ассоцированных с системой двух частиц на решетке. Поэтому развитие исследования модельных операторов, ассоцированных с системой двух частиц на решетке, которые встречаются в спектральной теории линейно-ограниченных, самосопряженных операторов, а также в моделях физики твердого тела и решетчатой теории поля, является одним из приоритетных направлений.

Поскольку, спектр модельных операторов, соответствующих системе двух частиц на решетке является довольно чувствительным к изменению квазиимпульса системы, в мире важную роль играет решение проблем, относящихся к исследованию спектров этих модельных операторов, доказательство существования связанных состояний и определение числа связанных состояний. В связи с этим реализация целевых научных исследований в следующих направлениях является одной из важных задач: описать местоположение существенного спектра модельного оператора, ассоцированного системой двух частиц, взаимодействующих спомощью парных короткодействующих потенциалов на решетке, установить пороговые явления спектра, изучить изменение числа собственных значений рассматриваемого модельного оператора, лежащих вне существенного спектра в зависимости от параметров данного оператора и от размерности решетки.

В нашей стране большое внимание уделяется фундаментальным направлениям, имеющим прикладное значение. В частности, ученые нашей страны обратили большое внимание изучению модельных операторов, ассоцированных с системой двух частиц на кубической решетке. Значительные результаты были достигнуты по определению условий существования связанных состояний и их числа вне существенного спектра для модельных операторов, ассоцированных с системой двух частиц на решетке.

В Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан отмечены основные задачи и направления деятельности при ведении научных исследований в международным стандарте по приоритетным направлениям математики, физики и прикладной математики [1]. При исполнении этого постановления важную роль играет развитие спектральной

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

теории самосопряженных операторов и ее приложения в теоретической физике, физике твердого тела.

Результаты, полученные в данной диссертации, в определенной степени, служат осуществлению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и № УП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

